

**ФУТБОЛ МУСОБАҚАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ОММАВИЙ  
ТАРТИБСИЗЛИКЛАРНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ, ФУҚАРОЛАР  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕЪЁРИЙ ҲУҚУҚИЙ  
ХУЖЖАТЛАР ТАЛАБИ**

*Нарзиев Аъзам Ёрқулович*

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
Магистратура тингловчиси, подполковник*

**Аннотация:** Уибу мақолада футбол мусобақалари билан боғлиқ оммавий тартибсизликларни келиб чиқиши тарихи, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талаби ҳамда уларни амалга оширишида таклиф ва мулоҳазалар ҳақида сўз боради.

**Аннотация:** В данной статье рассказывается об истории массовых беспорядков, связанных с футбольными матчами, требованиях нормативных правовых актов по обеспечению безопасности граждан, а также предложениях и соображениях по их реализации.

**Annotation:** This article describes the history of riots associated with football matches, the requirements of regulatory legal acts to ensure the safety of citizens, as well as proposals and considerations for their implementation.

**Калим сўзлар:** тартибсизлик, оммавий тартибсизлик, хавфсизлик, меъёрий ҳужжатлар.

**Ключевые слова:** беспорядок, общественные беспорядки, безопасность, нормативные документы.

**Keywords:** disorder, public disorder, security, regulations.

Миллионлар ўйини деб аталадиган футбол ўйинининг пайдо бўлиш тарихи Англияга бориб тақалади. Футбол 19-аср бошларида пайдо бўлди. 1857 йилда дунёда биринчи футбол клуби - «Шеффилд» ташкил этилди. Унинг ортидан эса бошқа жамоаларга ҳам асос солинди. Шундай қилиб, 1863 йилда 11 та инглиз клуби ва мактаб жамоалари вакиллари Англия футбол ассоциациясини туздилар. Сўзимизни бошида айтиб ўтдик, футбол – бу миллионлар ўйини. Демак, кўп одамлар қамровини ўзига тортган бу спорт тури ўзининг муҳлисларга бойлиги ва шу билан биргаликда кўплаб оммавий тартибсизликлар келтириб чиқарадиган спорт тури сифатида ҳам яхши таниш. Иккала жамоа қарама-қаршилиги майдонда кечса, уларнинг муҳлислари трибуналарда ёки унда ташқарида тез-тез оммавий тартибсизликлар келтириб туришлари сир эмас. Афсуски, мана шундай оммавий тартибсизликлар туфайли жамиятда фанатизм, расизм ва бошқа салбий оқибатлар келиб чиқади ҳамда инсонлар орасидаги муносабатларга совукчилик

тушади. Хўш, футбол мусобақаларида оммавий тартибсизликлар қачон ва қандай пайдо бўлган? Оммавий тартибсизлик ўзи нима? Унинг келиб чиқишига асосий сабаблар қайси? Қуйида мазкур саволларга атрофлича жавоб бериб ўтамиз.

Демак, оммавий тартибсизликлар деганда, давлатнинг суверенитети, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига таъсир қилувчи оммавий жиноят сифатида, зўрлаш, ўт қўйиш, бузғунчилик, давлат ва шахсий мулкни ўғирлаш, талаш ва йўқ қилиш, тинч аҳоли ва ҳукумат кучларига нисбатан совуқ (ўқ отар) қурол, портловчи ёки тез аланга олувчи моддаларни тайёрлаш ва қўллаш, қаршилик кўрсатиш, давлат, жамоат ташкилотлари ва муассасалари, транспорт воситалари фаолиятини издан чиқариш ва бу вазиятда уларни бартараф этиш учун кескин чора-тадбирларни қўллашга мажбур қилувчи ҳодисалар тушунилади.

Оммавий тартибсизликларнинг юзага келиши турли хил сабабларни ўз ичига қамраб олиши мумкин. Оммавий тартибсизликлар тариҳдан маълумки, жамият ривожланишининг ҳар бир даврида намоён бўлиб келган. Оммавий тартибсизликлар ижтимоий ҳодиса сифатида жамият учун жиддий хавф туғдиради. Улар турли сабабларга кўра пайдо бўлиши мумкин - ижтимоий-иктисодий (озиқ-овқат етишмовчилиги, умумий ишсизлик ва бошқалар), сиёсий (ҳокимиятнинг ўзбошимчаликлари, демократик эркинликларнинг бузилиши, ҳукумат сиёсатидан норозилик ва бошқалар), этник (миллий озчиликларнинг ҳуқуқларининг бузилиши ёки аксинча, маҳаллий бўлмаган этник гурухларнинг ижтимоий ҳаётининг муҳим соҳалари вакилларида устунлик ва бошқалар), диний (турли динлар вакиллари ўртасидаги кураш), жиноий (жиноий гурухлар ўртасидаги таъсир доираларини қайта кўриб чиқиш учун кураш) ва бошқалар. Маълум бир сабабга кўра ғазабланган одамлардан ташкил топган кичик гурухлар етарлича катта гурухга бирлашганда, ўз-ўзидан пайдо бўлган хатти-ҳаракатларнинг намоён бўлиш эҳтимоли кескин ошади.

“Тартибсизликлар” ибораси бу ҳодисани икки томондан тавсифлайди ва биринчидан, улар зўравонлик ёки бошқа жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, улар оммавийдир. Оммавий тартибсизликлар жиноий ҳаракат бўлиб, катта ижтимоий хавф туғдиради, чунки у ўз-ўзидан содир бўладиган ва жиноят қонуни билан қўриқланадиган кўплаб муҳим объектларга тажовуз қиласиган ҳаракатларидан бири ҳисобланади.

Футбол ўйинидаги оммавий тартибсизликлар қайд этилган илк ҳолатлар 1880 йилларда Англияда содир бўлган, бу даврда тарафдорлар ўйиндан кейин кўчалдар бўйлаб намойишлар ўтказишган, ҳакамларга нарсалар улоқтиришган ва ҳамда ўйинчиларга ҳужум қиласиган ҳолатлар ҳам бўлган. 1885 йилда “Престон Нортҳ Энд” жамоаси ўртоқлик ўйинида “Астон Вилла”ни 5:0 ҳисобида мағлуб

этганидан сўнг, иккала жамоа ҳам тошбўрон қилинган, муҳлислар таёқ билан бир-бирларига ҳужум қилган ва муштлашган. “Престон” жамоасининг бир футболчиси шу қадар қаттиқ калтакланганки, ҳатто ҳушини йўқотган.

Кейинчалик, 1960-йиллардаги статистикага кўра, Англия футболида ҳар йили ўртача 25 та безорилик, яъни оммавий тартибсизлик ҳолатлари қайд этилган. Футбол ўйинларида оммавий тартибсизлик ҳақида сўз кетса Лотин Америкаси футболида содир бўлган воқеа ва ҳодисалар алоҳида қайд этилади. Сабаби, бу минтақада деярли барча футбол ўйинларида оммавий тартибсизлик юзага келиши одатий ҳолга айланган, ҳатто ўлим ҳолатлари ҳам кузатилган.

Шу ўирнда айтиш керакки, ўзимизнинг футболда ҳам оммавий тартибсизликлар содир бўлиб туради. Мисол учун, 2020 йилги Фарғонада Пролиганинг ҳал қилувчи ўйини оммавий тартибсизлик билан тугагани ижтимоий тармоқларни кенг муҳокамаларга сабаб бўлганди. Воқеа Ўзбекистон Пролиганинг 2020 йилги мавсумининг 28-тури доирасида Фарғона вилоятининг икки жамоаси - Яйпаннинг «Турон» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ўртасида ўтган баҳс якунида (1:0) муҳлислар майдонга чиқиб кетиб, оммавий тартибсизлик рўй берганди. Ўйиндан кейин Нефтчи клубининг айрим футболчилари ва муҳлислари мағлубиятни тан олмай рақиб футболчилари ва ўйинни бошқарган ҳакамларни калтаклашгача боришганди.

Демак, юқорида келтирилган футбол ўйинларида оммавий тартибсизликлар келиб чиқиши тарихи асосида шуни айтиш мумкинки, мазкур ҳолатларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва муҳофаза қилиш энг вазифага айланади. Бу борада, мамлакатда ўрнатилган қоидалар ва норматив-хуқуқий хужжатлар қонуний кафолат сифатида кўрилади. Хўш, мазкур муаммо қайси норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган. Биламизи, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошقا дахлсиз хуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик хуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Оммавий тартибсизликларни келиб чиқишини олдини олишда фуқароларни қадр-қиммати дахлсизликларини ўйлашимиз зарур. Уларнинг юзага келаётган муаммоларини ўрганиш уларни бартараф этиш ҳар бир мансабдор шахснинг бурчи ҳисобланади.

Оммавий тартибсизликларнинг қатнашчиларга нисбатан жиной жавобгарликка тортиш Жиноят кодекси билан белгиланиб қўйилган. Кўпгина муаллифлар оммавий тартибсизликларнинг бевосита обьектини тавсифлашда, ўрганилаётган жиноят, жамоат хавфсизлиги билан бир қаторда бир қатор қўшимча бевосита обьектларга тажовуз қилишига эътибор беришади. Шундай қилиб, хусусан, инсон саломатлиги, мулки, давлат вакилларининг бошқарув фаолияти эътироф этилишига назар солинган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 244-моддасига асосан, оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш юзасидан жавобгарлик белгиланган. Шуни инобатга олган ҳолда, жиноят қонуни матнида очиб берилмаган оммавий тартибсизликлар тушунчаси эътиборга лойиқdir.

Шу муносабатларни инобатга олган ҳолда оммавий тартибсизликларни бартараф этиш юзасидан турли усусларни ишлаб чиқиш зарур. Оммавий тартибсизликларни олдини олишнинг бош омили бўлиб, профилактик характердаги махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириши ҳисобланади. Уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳудуддаги оператив вазиятнинг таҳлили, жамоатчиликнинг Миллий гваридия ва Ички ишлар органлари фаолияти тўғрисидаги ва вужудга келган вазият, яъни зиддиятли оммавий тартибсизликларга сабаб бўлувчи вазият ҳакидаги фикрини чуқур ўрганиш асосида амалга оширилади. Миллий гваридия ва Ички ишлар органларининг раҳбарлари амалга оширадиган зарурий профилактика тадбирларини икки гурухга йиғиб ишлаб чиқади:

- юқори турувчи органлар томонидан амалга ошириладиган тадбирлар;
- бошқа давлат бошқарув органлари, корхона, муассасалар томонидан амалга ошириладиган ва бевосита бажариладиган тадбирлар.

**Биринчи гурух тадбирлари бўйича.** Миллий гваридия ва Ички ишлар органлари тегишли юқори турувчи органларни ахборот билан таъминлаб, тегишли аниқ таклифларни киритишлари лозим. Масалан, ҳокимият бошқарув органларига жиноятчилик ва жамоат тартибини ҳолати, жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва вояга етмаган шахслар орасидаги жиноятчилик ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилишлари лозим. Шу билан бирга, Миллий гваридия ва Ички ишлар органларининг раҳбарлари туман, шаҳар, вилоят депутатлари кенгашларига ҳудуддаги профилактика ишларининг ташкил қилинганлиги тўғрисида маълумот беришлари ва уни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиб тақдим этадилар.

**Иккинчи гурух тадбирлари бўйича:** Жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича фаолиятни кучайтириш, шу жумладан, вояга етмаган шахслар орасида профилактика ишларини олиб бориш, кўчада содир этиладиган жиноятларга қарши курашни кучайтириш, оператив позицияларни мустаҳкамлаш, ёшлар тўпланадиган жамоат жойларида айниқса спорт ўйинларида маълумотларини ўрганишни ташкил қилиш, яъни вужудга келиши мумкин бўлган зиддиятлар хусусидаги маълумотларни таҳлил қилиш.

Бундан ташқари, оммавий тартибсизликлар вақтида шахсий таркиби доимий тайёргарлигини таъминлаш, (гурухий тартиббузарликлар ва оммавий тартибсизликлар вақтида ҳаракат қилиш учун маҳсус режаларни ишлаб чиқиш, куч ва воситаларни ҳисобга олиш, оператив штаблар тузиш ва уларнинг иш фаолиятини ташкил қилиш, тревога сигнали бўйича шахсий таркиб тайёргарлик тизимини ва улар билан алоқани текшириш, қўл остидаги ходимларни оммавий тартибсизликлар вақтида ўтказиладиган ҳаракатларга ўргатиш, оммавий тартибсизликларга ходимларни психологик жиҳатдан тайёрлаш, ходимлар орасида ғоявий-сиёсий тарғибот ишларини ва уларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, яъни бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни ишлаб чиқиш зарур.

Демак, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, оммавий тартибсизликларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу оғир жиноят тури ҳисобланиб, жамият асосларини издан чиқаради, вазиятни бекарорлаштиради, хавф-хатар тугдиради, фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар ва муассса-саларнинг фаолиятини ишдан чиқаради. Оммавий тартибсизликларга қарши курашиш масалаларида давлат идоралари ва ҳуқуқ-тарғибот органлари ҳаракат-сизлик ва совуқконликка йўл қўймаслиги талаб қилинади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси, 01.04.1995.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуни.
3. Вдовиченко К.Г. Понятие массовых беспорядков // Современные проблемы уголовной политики: материалы V Междунар. науч.-практ. конф., 3 окт. 2014 г.: в 3 т. / под ред. А.Н. Ильяшенко. – Краснодар: Краснодарский университет МВД России, 2014.
4. Григорьев В.Н. Расследование массовых беспорядков в условиях чрезвычайного положения. М.:Юрайт, 2008.
5. Ахметханов А.Ф. Объект состава массовых беспорядков // Российский следователь. – 2012. – № 21. – С. 9
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларининг жавобгарлик ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини амалга ошириш. Услубий қўлланма Тошкент 2021.
7. Оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари Ўзбекистон Республикаси ИИВ ТОҲТБЮ Тошкент 2015 йил.

#### ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:

1. <https://lex.uz>
2. <https://stadion.uz/news/detail/314732>
3. <http://www.ziyonet.uz>